

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида

“ 7 ” март 2025 йилда
рўйхатга олинган

рўйхатга олиш рақами 75/5

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банк раисининг биринчи
уринбосари



Н.Н. Сайдуллаев

м.ў.

**“Invest Finance Bank”
акциядорлик жамияти
Уставига киритилган ўзгартиришлар**

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“InFinBank” АЖ

Акциядорлар умумий йиғилишининг
2025 йил 21 февралдаги 69 - сонли
баённома қарори

Кенгаш раиси:



Ф.Ф. Маматджанов

м.ў.

«InFinBank» АЖ Уставига киритилган ўзгартиришлар матни

1. Банк Уставининг 5.3. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«5.3. Банк устав капиталининг миқдори 900 000 000 000 (тўққиз юз миллиард) сўмни ташкил қилади ҳамда номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 900 000 000 (тўққиз юз миллион) донга эгасининг номи ёзилган хужжатсиз оддий жойлаштирилган акциялардан иборат.»
2. Банк Уставининг 6.13. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«6.13. Банк устав капиталини кўпайтириш мақсадида, жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг миқдори номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 300 000 000 (уч юз миллион) донга умумий қиймати 300 000 000 000 (уч юз миллиард) сўмлик оддий, хужжатсиз, эгасининг номи ёзилган акциялар ва номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм бўлган 300 000 000 (уч юз миллион) донга умумий қиймати 300 000 000 000 (уч юз миллиард) сўмлик имтиёзли, хужжатсиз, эгасининг номи ёзилган акциялардан иборат.»
3. Банк Уставининг 8.5. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«8.5. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Бунда Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича ҳисобланган дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади. Имтиёзли акция ўз эгасига бир донга имтиёзли акция учун унинг номинал қийматининг дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинадиган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкаси фоизи миқдорида дивиденд олиш ҳуқуқини беради.»
4. Банк Уставининг 12.5. банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«12.5. Банк Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йиллик муддатга сайланадилар. Банк Кузатув кенгаши 5 (беш) кишидан иборат таркибда сайланади, бунда Кузатув кенгашнинг мустақил аъзоларинининг сони 1 (бир) кишини ташкил этади.»

Бошқарув раиси



О.Л. Нуманова